



Хар кимга маълумдурки, халойикни уламо ислох этарлар, таълими дин ва ахлохга уламо мутасаддидур. Ани учун уламони «варасаи анбиё» (Варасаи анбиё - уламолар пайгамбарларнинг ворисидурлар. Хадис.) дерлар. Таълими дин ва ахлохни жойи мактаб ва Мадраса ва масжидлардур. Бу пок маконларга кирмаган ҳеч бир мусулмон, албатта, йукдир, бовужуд шул илми диний ва ахлоки хасанадин биз Туркистон мусулмонларини аксарига оз асар курилур. Буни сабаби, албатта, мактабларда яхши таълим бермаслик ва масжидларда ваъз ва насигат ва бошқа расм ила амри маъруф ва наҳйи аз мункарни йуклигидур.

Хар кимга маълумдирки, бизни Туркистон мусулмонларини юзин 99и бутун илмсиздир. Кишлок ва сахроларни ахволи мундин ҳам ёмонроғ, мингдан бири эҳтимолки олими масоили шаръия булса. Холбуки, буларни(нг) ҳаммасига илм фарз эди ва буларни аксарул аксари турт-беш, хатто ун саналар ила умрини мактабга уткариб эди ва аксари хар кун масжидга кетар. Бовужуд шул на учун аҳоли бу қадар илмсиз. Бу даража жохил ва бу даража ахлоксиздир. Албатта, муниг сабаби аларга яхши таълим бермаслик ва аларга лозим ва муҳим ишлардин баён кил-масликдир.

Бизим Туркистондин бошқа диёр ва мамлакатлардаги умуммасжидларда намоздин аввал ва ё сунг авом тили ила авом учун панд-насихат ва ваъз имом тарафидин суйланур. Имом афанди ёмон ишлардин сакланмокга танбех айтиб, дунё ва охиратдаги зарар ва азобларини тушунтирар, яхши ва кераклик амалларга саъй килмокга буюриб ташвик этар. Бул сувратда, албатта, масжиди шарифда варасаи пайгамбар тарафидан айтилган ваъз натижасиз колмас. Оре, бизни Самарканд масжидларида эрта намоздин сунгра «Салоти Масъудий» укумок одатдир ва аммо бечора авом англамайдур. Ва ул авом иймон ва ислом ва зарурияти динияни лавозиминча билмайдур, анга козихонага тейишли масалалардин бахс килмок абас.

Бир қарра масжидлардаги намозгузарларни зохирига бокилсун, на кавмга, на жалса, на таъдил аркон йук. Кироатлари ва аркони салотни билмоклари яна бошқа масала. Бир истанбулли, бир араб, бир эроний бизни масжидлардаги намозхонларни курганда, албатта, таассуф этар. Ёлгуз Туркистон эмас, Бухоро ҳам бу балога гирифтор. Эй, бу халойшкга намозни кироат ва бошқа заруриёти динияни ким таълим берди? Албатта,

уламо. Бас, булар на учун бу ҳолатда колдилар, ҳатто аксар уламони(нг) узларида намозни авомга ухшаб укийдурлар ва ҳар кун куруб туруб танаббух этмайдурлар. Масалан, бир имом намоздин илгари айтсаки: «Ё кавм умид ила таҳорат киларсиз, иш дин қолиб масжидга келарсиз, ризои ҳақчун ибодатга машғул буларсиз, ибодатга мани узларишга мудтадо билурсиз ва бу ибодатдин ажр хоҳлайсиз, бас, ибодатни тариқ ҳазрати шорё тарафидин баён килингандур. Аркон ва адаби хоҳ масжид ва уйда булсун бир жой келтурмок керак ва манга тобе булмок керак».

Ва масалан бир имом намоздин сунгра деса: «Эй кавм, эй мусулмонлар, ун дакика сизларни бу кунги вақтингизни тиламайман ва сизларга нофеълик бир суз айтарман. Бу кун кучадин утардим, бир мусулмонни иймон ва ё оғуз ва отасини руҳига ва ё қабрина сукдики, мани бутун вужудим титради ва у сукулган мусулмон ҳам диний ҳаҳоратни анга қайтарди ва иккисида азоби жаҳаннамга лойик булди. Иккисида ҳай вон дин бадтар бад-хулк эмиш. Ота-она ва устоди аларга яхши таълим бермабдур. Аларга ёшлик замондаги муаллимлари ахлоқ ва адаби исломияни таълим бермабдури, мундай ёмон сузлар алардин зодир булур. Наузубиллаҳ, бу ёмон сузлар инсонни иймондин ажратур ва иймондин ажралмокга ким рози булур.

Иймон Худонинг лутф ва инояти ва ҳидоятидир, қабр беҳишт ва ё дузахни бир руҳи ва дарчасидур, руҳ Худонинг амридур. Бас, боқинги, у икки нобакор нимани ҳаҳорат килди ва на жа-зога лойик булди?»

Бул сувратга қандай қавмдури, имомни сузига қулод бермас ва ё имом сузини олмас ва маҳалладаги нобакор ва бадахлоқлар-ни ташхир этиб, маърақа ва мадалладин чиқаргандин сунгра ик-кинчи мартаба, албатта, бадахлоқлик килмас. Бу руҳоний танбех ва таъзир ва насиҳатни килмокга ҳеч бир асбоб керак йук. Фақат бир имомни ҳаракати ва сузи ва илми қифоядур. Ҳар бир имом шул тариқа ғайрат этиб, тугриси уз вазифасини ишласа, бутун миллат ислоҳ топар, имомга ҳеч ким таарруз ҳам қилолмас. Бу имомни ушбу сабабдин бекор қилсалар, янғисида амр ба маъруф ва наҳйи аз мунқар этмокдан турмаса, лоилож аҳоли буйин қуяр.

Шу йул ила угри, қотил ва бадрафторларга руҳоний ҷазолар бермок ва аларни ҳалқдин чиқармок, туй ва таъзияларига бор-маслик ва далоили шаръия ила тахвиф этиб ислоҳи умматга саъй қилмок мумкин булурди.

Имом афандиларга қози, мударрис ва эшонлар, муаллим ва мактабдорларни ҳам ёрдамлари лозимдур. Бу кун ҳар маҳаллада бир имом, бир мактабдор, бир муаззин ва бир неча муйсафид ва талаба ва қори, алҳамдулиллоҳ, мавжуддур. Агарда бунлар аввало уз урталарига ислоҳи ҳалойик учун машварат ва ният қилиб биз арз қилган қайфиятта амал қилсалар, бутун маҳалла оз муддатда ислоҳ топилур.

Имомларида ҳурматлари зиёда булур, фақат бир сабаб ила баъзи имомларни бадахлоқ қавмлар бекор қилса, янғи қелган имомда шу ишни т^аилсун, ваъз ва танбени қулдан бермасун.

Ҳоло бизни Туркистонда имомларни аҳоли мужиби таассуфдир, зурматлари йук даражада ва аҳли маҳаллани энг паст даражадаги одамларигача мурса ва мадора қилмоғи лозим бир авом уз имоми ҳузурида ҳар навъ ахлоқсизликни айтар, беадаблик қилар, фаҳш суйлар. Бечора имом сукут қилар, суйласа эртага бекор булар, мунга имомларни, руҳрнийларни узлари сабабдур. Қучадагиларни аксарал аксарини бир неча йил умри мактабларда қечди ва ҳеч булмаганда қучадагиларни ярми доим масжидга борар, аммо мактаблардан, имомдан яхши таълим ва муассир ваъз қурмади ва

эшитмади, бас, лоилож ахлок ва адаб бузулди-кетди. Деюрларки, авом учун раъс (уртуган киши) керак, имомларга нима керак, шариат, амри маъруф ва наҳйи аз мункар этмокни илмга ва имомга кавмга лозим килибдурки, имомни ҳам уриб амри бамаъруф килдурмок керакми? «Уламоу уммати каанбиёи бани Исроил» (Умматимнинг олимлари бани Исроилнинг пайгамбарлари кабидар. Хадис.) каерда колди? Анбиёи бани Исроил рутбасига мушарраф булмок учун хотири риоя ва мунофикликни ташлаб, «Кул илвалав кана мурран»га амал килмок керак, кавли ...ни айтмок керак.

Туркистонда ахли илм ва адабни камайгани ва авомни бад-ахлокриги кундан-кун зохир ва маълум булуб турубдур, алон гарчи хайр булсун, халойикни мактаб ва масжидларга факат шахарларга давоми бор, бу вақт уламо ва имомлар матонат ила панд ва ваъзлар ва мактабдорлар таълими ахлок ва динга куз очиб аҳамият бер десалар, фабиҳа, ва илло бироз утгандин сунгра шахарларда кишлоклардек булгандин сунгра иш кулдин кетар.

Илмсизлик ва тарбияи диния ва ахлок миллиядин бебахраликни охири динсизлик ва расман тарки дин этмокка манжар булур. Козок биродарлардин баъзи чукунганлар эшитилур, албатта, мунинг сабаби тарбияи динияни йуклигидиндур. Бу замон бошқадур, хуррияти диния деган шайлар чикарга дин аслиясидин бебахра кишиларни гурух-гурух хориж булишлари табиийдур.

Ал-он биз мусулмонлар орасида буладурган фахш ва угрилик, катл ва горат, бир-бировига ёмон гараз ва душманчиликлар ҳамма тарбияи динияни нухсонидиндур, авомликидин ва беилмликидин-дур. Агарда уламо аҳолини мувофики шариат тарбият грғлса ва укутса, бу жинойтлар, албатта, озаядур. Жаҳолат бу кун ҳам чунончи исёнга сабаб булди, ояндага, ортдорга ҳам колур, сабаб булур.

Туркистон мусулмонларини жаҳолати ва тарбиясизлигини айтиб адо килиб булмайдур. Алхамдулиллох, Туркистон муслималари иффат ва эрларига тобелик бобинда назирасиздурлар ва аммо биз эрлар аларга жабр ва зулм этиб, ходима балки хайвон даражасида индурибмиз, укумогрғи шореъ аларга ҳам фарз килубдур. Заруриёти динияни билмок ва амалиёти исломияни килмокларини фарз ва лозимлиги, албатта, шубҳасиздур.

Вале бу кун Туркистон муслималарини юздин бирини заруриёти динияни билиши маълум йугр юз уйлук бир неча маҳалла биларманки, хар маҳалла муслимасидин ун нафарини намоз ўкуши маълум йук бечоралар иймон ва ислом надур, билмайдур, факат исми муслима ва ислом.

Кучаларни тулдириб юрган мусулмонларни онаси ва мураббияси, муаллими аввалияси, албатта, бу жоҳила хотинлар-дурки, аларни илмсизлиги, ахлоки ҳасанаи исломиядин хабарсизлиги ва манбаи хурофотликлари эрларни бадахлог ва нохунжарликларига боисдур.

Эй, маъшари муслимин, эй ҳазрати уламо, эй содот, эй туллоби киром, Худо учун бироз куз очиб боийнг, халойикни аҳволи ... ва фасоди ахлоги на дола келмиш, илмсизлик ва нодонлик бутун атрофимизни олмиш, бунинг иложи надур ва ким килур?

Албатта, иложи илм, панд-насихат, таблиги аҳком ва тахвифи танаббух ва таъзири рухонийдур ва бу ишларни, албатта, уламо килар, яъни имомлар масжидларда минбар ва маҳфилларда, муаллимлар мактаб ва мадрасаларда килар. Бизим Самаркандка юздин зиёда масжид бор, вале ҳеч бир масжидда, масалан, курби ҳамр ва угрилик, гадр ва хиёнат тутгисинда ҳеч бир имом тарафидан ваъз йук хар кун бир мусулмон кетар, ҳамр ичар, ар-бада этар, жигарини ўлдурар, мастлиги конунан ўзр булуб, халос ўлур-кетар.

Мунинг устига ҳеч бир имом, ҳеч бир эшон бир, аҳли маҳалла анга шаръан лозим панд-насихат ва тавбани бермас ва ё ани маҳалладин чиқармас, балки ғазла уларок ани ... этарлар, хибсдин чикса, бориб қурашлар.

Ҳалойикни ҳеч ким гурдин чиқиб ислоҳ этмас. Уламо, мактаб ва Мадраса ислоҳ этар, вале мактаб, Мадраса аҳли муни уйла-майдурлар. Насоро маъбадларива ваъз бор, аммо бизни муқаддас масжидларда йук. Икки кун мундин муқаддам қурдум, эллик қадар мусулмон ва бир жанозани қулушиб, уйнашуб, қах-қаҳа ва масҳаралик ила қатта раста уртасидин қутариб утқардилар. Орқаларида бир неча уламо муйсафидлар-да суқут ила кетиб турубдур. Бошларида жаноза, олдиларива қабристон ва мазор, орқаларида уламо ва муйсафидлар, овизларида қах-қаҳа қулви ва масҳаралик нари турсун, ғажш.

Орқадаги бир неча уламо, ботулилар истилоҳинга, амали мавто суқутда, ижноби таънда, субҳаналлоҳ, бу на қолдур умум қабристонлар ихотасиз ва ҳар кун мингларча мусулмон чиқиб, ота-бобоси ва оқ суқт берган онаси ва азиз-авлиёларни қабри устида улоқ чопар, қупқари тортар, қабристонда ҳайвон боқар, оят ва ҳадис ёзилван тошлар аларнинв оёви остида, биз эса қупқари чопармиз, углимиз туйива ун минг сумлар сарф этиб, ота-онамизни қабру ҳасадини от ва итлар оёви остида оламиз.

Боқилсун, муни қайси биров қураш, Мавло жумламизни ислоҳ айласун, инсоф ва басират берсун.

Маҳмудхўжа Бехбудий